



Мультимедиа Тақдимотини Қўллашнинг Ўзига Хос Хусусиятлари

Ходжанова Ш. И., PhD

Тошкент тиббиёт академияси

Аннотация: Бугунги кунда мультимедиа технологиялари-таълим жараёнини ахборотлаштиришнинг истиқболли йўналишларидан биридир. Таълим жараёнига мультимедиа технологияларини жорий этиш талабаларни интеллектуал ривожлантириш ҳамда жамиятимизни ижтимоий иқтисодий тараққий эттиришнинг муҳим шартидир. Хусусан, таълим жараёнида мультимедиа технологияларидан фойдаланиш қулайликлар яратади.

Калит сўзлар: мультимедиа, технология, тақдимот, компьютер.

Долзарблиги: мустақил Ўзбекистон Республикасида ижтимоий муносабатлар мазмуни тубдан янгиланаётган ҳозирги даврда олий ўқув юрти талабаларида замонавий инновацион технология усуллари орқали ўқиш дарсларини ташкил этиш ва уни тез суратларда амалга ошириш ижтимоий муаммо сифатида кун тартибига қўйилмоқда. Замонавий таълим воситалари-интерактив, аудио-визуал, мультимедиа ўқув жиҳозлари — шунчаки замонага мос русумга айланиб бораётган воситалар эмас, балки ўқувчилар шахсини ривожлантириш учун вариатив имкониятдир. Замонавий таълим тизимининг вазифаси эса шунчаки билим беришдангина эмас, балки талабаларнинг ижодий тафаккурини лойихалаштиришга ёрдам беришдан иборат [3]. Ҳозирги даврда олий ўқув юртларида ахборот-коммуникацион воситаларсиз дарс жараёнини тасаввур этиб бўлмайдиган [2].

Шундай воситалардан бири – мультимедиадир. Мультимедиа – маълум бир мавзуд электрон дастурдан фойдаланиб яратилган тасвирий маълумотлар мажмуаси бўлиб, у қўлланганида талабада барча маълумотларни қабул қилувчи аъзолар (кўз, кулоқ, мия) фаоллиги кузатилади. Мультимедиа-технологиялари информатиканинг истиқболли ва машҳур йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. 1945 йилда америкалик олим Ваннивер Буш [4] "MEMEX" номи хотирани ташкил қилиш концепциясини таклиф қилган, бу эса мультимедиа технологияларини ривожланишининг ғоявий сабаби бўлди. Бунда маълумотлар оддийдан мураккабга, кам микдордан кўпга, оддий ёзувдан тасвирий маълумотларга, ҳаракатсиз фигуралардан ҳаракатли кўрсаткичларга қараб ошиб боради.

Афзалликлари: мультимедиа технологиялари таълим жараёнини бойитади, ўқув материали таълимий ахборотларни идрок этишни янада самаралилаштириш имконини беради. Таълим оловчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш ва уларнинг манфаатдорлигини (мотивациясини) оширишга кўмаклашиш имкониятларига кўра, шунингдек, ҳар хил турдаги мультимедиа ўқув ахборотларининг уйғунлашуви, интерфаоллик, мослашувчанлик сифатларига кўра мультимедиа фойдали ва махсулдор таълим технологияси ҳисобланади [4].

Камчиликлари: таълимни компьютер ва бошқа интернет-технологияларидан фойдаланиб ташкил этишда, турли афзалликлар билан бир қаторда, айрим камчиликлар ҳам мавжуд: бу

алоқа линиялари билан боғлиқ муаммо бўлиши ҳам мумкин. Мазкур муаммоларни СД-РОМ ва ДВД-дисклари деб аталадиган оптик компакт дисклар ёрдамида ҳал этилиши мумкин[1].

Мультимедиа-технологияларининг асосий **мақсади** – товуш, видео, анимация ва бошқа визуал эффектлар (Simulation) билан таъминланган дастурий махсулотларни яратишдан иборатдир. **Маърузаларда** мақсад: мавзунинг асосий қисмлари ҳақидаги умумий маълумотларни етказиш ва маълумотлар базасига тингловчини йўналтиришга қаратилади, **амалиёт дарсларида** эса мавзу майда қисмларга бўлиниб, чуқур ўрганилиши ва ўзлаштирилишини ўз олдига мақсад қилиб қўяди [1].

Материал ва услублар: Мультимедияли тақдимот бугунги кунда ахборот тақдим этишнинг ягона ва энг замонавий шакли ҳисобланади. Бу матнли маълумотлар, расмлар, слайдшоу, диктор жўрлигидаги овоз билан бойитилган видео парча ва анимация, уч ўлчамли график тарздаги дастурий таъминот бўлиши мумкин. Мультимедия тақдимотлари орқали маърузаларни тайёрлаш, амалий машғулотларга тайёрланиш, мустақил ишларни бажариш учун ўқитувчи ва талабаларга ахборот манбаи сифатида дарслик ва ўқув қўлланмалар, методик қўлланма ва кўрсатмалар, маълумотлар тўплами, илмий ва оммавий даврий нашрлар, методик қўлланма ва кўрсатмалар, маълумотлар тўплами, интернет тармоғидаги тегишли маълумотлар, берилган мавзу бўйича аввал бажарилган ишлар хизмат қилади.

Амалиёт дарсларида қўлланиладиган мультимедиялар маъруза дарсларида қўлланиладиган мультимедиялардан кескин фарқ қилиши зарур. Шунинг учун амалий дарсларда қўлланиладиган мультимедиялар узоқроқ вақтга мўлжалланган ҳамда расм, жадвал, схемалардан ташқари, видеотасвирлар, фильмлар билан бойитилган бўлиши мақсадга мувофиқдир[1].

Натижа: 3-4-5 курс талабаларининг “Ички касалликлар” фанидан амалий машғулот ва маърузаларда тақдимотларни тайёрлашда Power Pointдаги тақдимотлардан фойдаланилади. Мультимедия тақдимотлари орқали маърузаларни тайёрлаш, амалий машғулотларга тайёрланиш, мустақил ишларни бажариш учун ўқитувчи ва талабаларга ахборот манбаи сифатида дарслик ва ўқув қўлланмалар, методик қўлланма ва кўрсатмалар, маълумотлар тўплами, илмий ва оммавий даврий нашрлар, методик қўлланма ва кўрсатмалар, маълумотлар тўплами, интернет тармоғидаги тегишли маълумотлар, берилган мавзу бўйича аввал бажарилган ишлар хизмат қилади. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, мультимедиа воситалари асосида талабаларни ўқитиш икки баробар унумли ва вақтдан ютиш мумкин. Мультимедиа воситалари асосида билим олишда 30%гача вақтни тежаш мумкин бўлиб, олинган билимлар эса хотирада узоқ муддат сақланиб қолади. Агар талаба берилаётган материалларни кўриш асосида қабул қилса, ахборотни хотирада сақлаши 25-30% ошади. Мультимедиа технологиянинг энг муҳим хусусияти-интерфаоллик, ахборот муҳити ишлашида фойдаланувчига таъсир ўтказа олишга қодирлиги ҳисобланади.

Дарс жараёнида компьютердан фойдаланиш ўқитувчи ва талабаларга, интерактив ўқув қўлланмалари билан боғлиқ бўлган янгидан – янги ўзига хос қулайликлар яратади. Компьютер педагог фаолиятида катта роль ўйнайди. Педагог компьютер ёрдамида аниқ бир мавзу бўйича презентациялар тайёрлайди, самарали ва қизиқарли усулларни ишлаб чиқади ёки виртуал лаборатория ишларини тайёрлаши мумкин. Дарс жараёнида компьютер ва ахборот технологиялардан фойдаланиш ёшларнинг индивидуал билим олиши фаоллиги доирасини, дунёқарашини кенгайтиришнинг яъна бир усулидир.

Хулосалар:

1. Мультимедиянинг қулайлиги шундаки, танланган мавзу бўйича тайёргарлиги бўлмаган талабада ҳам аниқ билим ва кўникмаларни ярата олади, ҳамда унутилган билимларни қайта тиклайди. Шулар билан бир қаторда маълумотларнинг узоқ муддат хотирада қолиши ва мустақамланиши тасдиқланган ва ахборот технологияларнинг қўлланилиши ўқитишнинг

барча шаклларида (маъруза, амалиёт, лаборатория ва мустақил таълим) тезлик билан ўз самарасини беради.

2. Мультимедия технологияларидан ўқитиш жараёнида фойдаланиш ўқитишнинг сифатини ва самарасини ошириб ўргатишнинг энг қулай усуллари билан бири ҳисобланади.
3. Мультимедия билан олиб борилган дарс талабанинг дарсга бўлган қизиқишини ва билим олиш савиясини оширади. Келажакда илмий-ижодий ишларни ташкил этишда ва тадқиқот ишларини олиб боришда, энг асосийси, таълим олишга, фанга ва ўзи танлаган касбга бўлган қизиқишларини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Красильникова В.А. Информационные и коммуникационные технологии в образовании. Учебное пособие для студентов ВУЗов. М.: «Дом педагогики» 2007г.
2. Sh. A. Kodirova, O. O. Jabbarov, Sh. I. Xodjanova. MAHORAT DARSINING SAMARALI KASBIY TAYYORGARLIK SHAKLI SIFATIDA AHAMIYATI Tashkent Medical Academy Volume 4 | TMA Conference | 2023
3. Кодирова Ш.А., Салаева М.С. Симуляцион таълимнинг аҳамияти *TIBBIY TA'LIM TRANSFORMATSIYASI: MEGATRENDLAR» mavzusidagi XVII xalqaro o'quv-uslubiy konferensiya materiallar, tўplami, Toshkent -2021*
4. Коул Б. Гипертекст решает проблему информационного обслуживания // *Электроника*, 1990, N 4, с.38-42.